



**“ЎЗДОНМАҲСУЛОТ”**  
акциядорлик компанияси

**“ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ ”**

Акциядорлик жамияти  
молия-хўжалик фаолиятини  
ривожлантириш бўйича

**2023 йил учун мўлжалланган**

**БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

«ТАСДИКЛАНГАН»

Кузатув кенгаши томонидан  
йиғилишининг  
2022 йил «11» ноябрдаги  
14-сон баённомаси

Кузатув кенгаши раиси

Ш.Б.Донаев

## «Тошкентдонмаҳсулотлари» АЖНИНГ

2023 йил учун

## БИЗНЕС - РЕЖАСИ

Идоравий мансублиги

«Ўздонмаҳсулот» АҚ

Почта манзили, е-хат манзили  
(ёки электрон почта манзили)

[tdm.info@yandex.uz](mailto:tdm.info@yandex.uz)

СТИР

200547706

Бошқарув раиси

Б.Х.Қосимов

Бош ҳисобчи

И.В.Пронина

## **М У Н Д А Р И Ж А**

### **1.Корхона тўғрисида умумий маълумот**

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*
- 1.2 Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқарув тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*
- 1.3 Кадрлар сиёсати, иичи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*
- 1.4 Корхонада жорий этилган сифатни бошқарии тизими*

### **2.Корхонани ислоҳ қилиш**

### **3.Рақобат**

### **4.Кўрсаткичлар**

- 4.1.Хомашё захираси;*
- 4.2.Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқарии ҳолати*
- 4.3.Ишлаб чиқарии ва сотии режаси*

### **5.Молиявий режса**

- 5.1 Соф фойдани тақсимлаши*
- 5.2.Пул оқимлари прогнози*
- 5.3.Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки*
- 5.4.Давлат бюджетига тўловлар прогнози*
- 5.5.Пиҳ хақи тўлаши тизими*

### **6. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)**

### **7. 2023 йилга мўлжалланган Бухгалтерия баланси**

## I. Корхона тұғрисида умумий маълумот

### 1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

“Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитасининг 1995 йил 21 апрелдаги “2-сон нон маҳсулотлари комбинати” давлат корхонасини “Нон маҳсулотлари комбинати” давлат корхонасига айлантириш тұғрисидаги 123 к-ПО қарори асосида 1995 йил 25 майдаги 908-сон буйруқ билан Очиқ Акциядорлик Жамияти шаклида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сон “Ўздонмаҳсулот” ДАКни “Ўздонмаҳсулот” АЖга айлантириш тұғрисидаги қарорига асосан 2 та Жамият “Тошкент” АЖ ва “Чиназ Дон” АЖ қўшилди ва янги Устав ишлаб чиқилди. Ҳамза тумани ҳокимлигига 2004 йил 11 ноябрдаги 07-00072-сонли буйруқ билан рўйхатта олинди, шунингдек, 2004 йил 13 декабрдаги ПО263-4-сон эмиссия проспекти ўзгартирилди ва унга кўра “ТДМ” АЖнинг устав капиталидаги давлатнинг улуши давлат улуши бўйича дивиденdlар ҳисобига 26 фоиздан 51 фоизга оширилди.

“Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖда 1 та филиал ва 4 та ДҚҚШ лари мавжуд.

1931 йилда “Тошкентдон” филиалида, қуввати кунига 500тн бугдойни қайта ишловчи, йилига қуввати 114,5 минг тонна бўлган тегирмон ишга туширилган. 1931 йилда 30 минг тонналик хажмга эга дон йиғиши элеватори қурилган.

1954 йилда “Тошкентдон” филиалида қуввати кунига 200 тнлик 2-сонли тегирмон қурилди, қуввати йилига 45 минг тонна. Ушбу 2- тегирмонда 1992 йилда реконструкция қилинди ва жиҳозлари қисман алмаштирилди.

Бош корхонадаги тегирмон қуввати кунига 500 тн бугдойни қайта ишловчи тегирмон 2019 йилда тўлиқ реконструкция қилиниб ишга туширилди.

Яна бир асосий ишлаб чиқариш обьекти омухта ем мажмуаси бўлиб, унинг таркибига асосий бино, силос биноси, дон хом ашёсини тайёрлаш цехи, оқсил-минерал хом ашё тайёрлаш цехи, тайёр маҳсулот биноси киради. Омухта ем комплексининг қуввати кунига 300 тонна, қуввати йиллик ҳажми 91,5 минг тоннани ташкил этади.

Омухта ем биносида икки марта техник қайта жиҳозлашишлари амалга оширилди:

1992 йил цех тўлиқ автоматлаштиришга ўтказилди ва 2008 йилнинг 1 чорагида озуқа комплекси модернизация қилинди, эски ускуналар янги Голландия ишлаб чиқаришига алмаштирилди.

Бош корхонанинг умумий майдони 5,138 га. “Тошкентдон” филиалининг умумий майдони 5,3 га.

Асосий цехларнинг ишлашини таъминлайдиган ёрдамчи цехларга куйидагилар киради:

- қозонхона, механик цех, тегирмон лабораториялари;
- артезиан қудуғи, лифт, ЦС, электрцехи.

Транспорт инфратузилмасига 4 та темирйўлдан хом ашё қабул қилувчи курилмалар, темир йўл тарозилари, иккита юк автомашиналари тарозилари киради.

Артезиан қудуги орқали корхонанинг қисман автоном сув таъминоти амалга оширилмоқда.

Электр таъминоти учта блокни (7 қувват трансформатори) ўз ичига олган подстанция томонидан амалга оширилади

- Юридик манзили: Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Қўштамғали МФЙ, Мехнатобод кўчаси 59-йда жойлашган.
- Хизмат кўрсатувчи банк: АТБ “Капиталбанк” Мирзо Улугбек филиали;
- Банк реквизитлари: МФО 01018, Ҳисобрақам 2021 0000 4002 3245 9008;
- Кодлар: ОКПО 00959702, ОКОНХ 19211, СТИР 200547706, тел 71 283-50-19
- Жамият фаолиятининг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикаси хукумати қарорларига асосан давлат эҳтиёжлари учун дон ва уруғларни сотиб олиш, жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлашни таъминлаш ва акциядорларниг манфаатлари йўлида фойда (даромад) олишдир.
- Жамиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари қўйидагилардир:  
донни сотиб олиш ва қайта ишлаш, ун маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш;  
омухта - ем ва ем аралашмаларини ишлаб чиқариш ва сотиш;  
қишлоқ хўжалиги корхоналари билан контрактация шартномаларига асосан донни қабул қилиш; сақлаш, юклаб бериш; маҳсулотларни сотиб олиш ва тарқатиш бўйича савдо – воситачилик хамда кўтара, улгуржи ва чакана савдо сотик билан шуғулланиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қилган ҳолда алоқалар, шунингдек экспорт - импорт ва воситачилик операцияларини амалга ошириш;  
ташкилотнинг ишлаб чиқариш технологияси, унумдорлигини ошириши, илмий-техник потенциалининг қайтадан турли асбоб - усукуналар билан таъминлаш ишларини ривожлантириш;  
ўзига тегишли хўжалик юритиши хамда ходимларини ошхона ёки эркин сотув орқали озиқ - овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.
- Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қўйидаги турларини амалга оширади:  
барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек чет эл мамлакатларининг фуқаролари хамда субъектлари билан хуқуқий алоқалар боғлаш; турли ташкилот хамда шахслардан нақд бўлмаган ҳисоб - китоб юритиш орқали зарур бўлган турли жихозларни ижарага ёки сотиб олиш; ўзининг хизматларини хамда ишлаб чиқарган маҳсулотларини мустақил равишда белгилаган баҳо ва таъриф бўйича ёки шартнома асосида сотиши мумкин; ўзига тегишли бўлган мол - мулкни мустақил равишда белгилаш; ўз ходимларига тўланадиган иш ҳаки микдори ва шаклини мустақил равишда белгилаш; банк ва бошқа ташкилотларнинг кредитларидан фойдаланиши, пул ва бошқа воситаларни кредитга бериши мумкин; мол - хом ашё ва бошқа биржалар ишида иштирок этиш; молия ва қимматбаҳо қоғоз ишларини бажариш; аукционлар, кўргазмалар, лотореялар ташкил қилиши ва уларда иштирок этиши мумкин; қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда ташки иқтисодий алоқалар ўрнатиши; мутахассисларни малакасини ошириш ва уларни чет элларга хизмат сафарларига юбориш; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган холатда жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадларига жавоб бера оладиган бошқа турли ишларни олиб бориш, ўз номидан битимлар, шартномалар тузиш, мулкий ва ўз номулкий хуқуқларни сотиб олиш ва мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлиш, шартномалар асосида мутахассисларни жалб этиш, шу жумладан хорижий мутахассисларни ҳам; махсулот ва хизматларга бўлган талабдан келиб чиқиб, ўз фаолиятини мустақил режалаштириш, ривожланиш истиқболларини аниқлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш хамда акциядорлар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг шахсий даромадларини ошириш йўлларини аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси ичида ва ундан ташқарида филиаллар, ваколатхоналар, қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш цехлари, участкалари ва бошқа янги корхоналар ташкил этиш ва таъсис этиш; ижарага бериш, техник воситаларга хизмат кўрсатиш; қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш; маҳсулотлар ва хизматларни сотиб олиш ва сотишда накд пул билан хисоб-китоб қилиш; қонун хужжатларига мувофиқ, мустақил равишда ўз балансидан мол-мulkни, қарзларни, камомадни, бошқа исрофларни ўчириш; семинарлар, конференциялар, кўргазма ва шоулар ташкил қилиш, ўтказиш ва уларда қатнашиш; реклама-безаш фаолиятини амалга ошириш.
- Жамият, қўшимча фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланишга ҳақлидир.

Жамиятнинг асосий мақсади ҳўжалик фаолиятидан даромад олиш ва фаолият турлари қўйидагилардан иборат:

- Ун ишлаб чиқариш ва сотиш, дон чиқиндиларини қайта ишлаш;
- Озиқ-овқат маҳсулотлари ва аралаш озуқа ишлаб чиқариш, сотиш;
- Ундан, шу билан биргаликда кондитер, макарон ва бошқа истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Ишлаб чиқариш - техникага тегишли ва халқ истеъмол моллари, шу жумладан маҳаллий хом-ашёдан маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш. Фирма савдосини ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- Юкларни ва пассажирларни тасиши, транспорт-экспедиторлик автотранспорт хизматларини кўрсатиш;
- Савдо ва савдо - воситачилик фаолиятини амалга ошириш;
- Ўрнатилган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Агар кўрсатиладиган фаолият турларига маҳсус рухсатнома (лицензия) талаб этилса, Жамият ушбу фаолият турларини рухсатнома олганидан сўнг амалга оширади;

Низомда белгиланган Жамиятнинг асосий мақсадлари қаторида қўйидагилар кўрсатилган:

- ҳўжалик фаолиятидан даромад олиш;
- нон маҳсулотлари бозорини шакллантиришда фаол қатнашиш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини ошириш;
- аҳолига хизмат қилиш ишларини амалга ошириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш;

Корхонани ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий йўналишлари:

- дон хом-ашёсини қабул қилиш ва сақлаш, ғамлаш;
- навли унларни ишлаб чиқариш;
- аралаш озуқа ишлаб чиқариш;
- унни қадоқлаш;
- улгуржи савдо (юқори ташкилотларнинг наряди бўйича) Ўзбекистон Республикаси ТХАБ ва чакана савдо орқали нон маҳсулотлари ва аралаш озуқаларни сотиш;

Корхона Акциядорлик жамияти Низомида белгиланган, тасдиқланган ички тартиб қоидалари, бошқа ҳужжатлар ва амалдаги қонунчилик асосида қўрсатилган регламент бўйича фаолият қўрсатади.

### **1-Жадвал. Корхона паспорти**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткич номлари</b>	<b>Маълумот</b>
1	Корхонанинг номи	«Тошкентдонмаҳсулотлари» АЖ
2	Мулкнинг ташкилий-хукуқий шакли	дав. Акционер
3	Саноат	Ун (дон майдаловчи)
4	Худуд/вилоят, шаҳар,туман	Тошкент шаҳри М.Ашрафий 106 уй
5	Хукуқий манзил	Тошкент вилояти, Оққўргон тумани, Кўштамғали МФЙ, Мехнатобод кўчаси 59-уй
6	Телефон	
7	Факс	70-645-39-08
8	Рахбар	Қосимов Баҳром Ҳашимович
9	Умумий майдон /гектар/	5,138
10	Ишлаб чиқариш майдони ҳаммаси/минг. кв. м/	20,174
10a	Улардан ишлатилаётгани/минг. кв. м./	20,174
11	Ишлаб чиқариш қуввати % да 2021 йилда	56%
12	Барча ходимларнинг умумий сони	461
13	Хусусийлаштирилган сана	25.05.1995 г.
14	Хусусийлаштириш санадаги Устав фонди /минг. сўм/	2957222
15	Битта акциянинг белгиланган нархи /сўм/	300,0
16	Тўлдириш санасидаги Устав фонди / сўм/	
17	Битта акциянинг белгиланган нархи /сўм/	300,0

	Акция сони	9 857 407
17	УФ нинг охирги эмиссия проспекти бўйича тарқатилиши:	
	- «Ўзданмаҳсолот» АК улуши %/	50,94
	-очиқ сотув улуши %/	49,06
	-мехнат жамоаси улуши %/	-
	-чет эл инвестори улуши %/	-
18	Жорий жойлаштириш. Тўлдириш санасидаги УФ	-
	-«Ўзданмаҳсолот» АК улуши %/	50,94
	- Юридик ва жисмоний шахслар улуши %/	49,06
	-мехнат жамоасининг улуши %/	
	-чет эл инвесторларининг улуши %/	
	-киритилмаган активлар %/	-
19	Молиявий ҳолат/барқарор, банкрот олди, банкрот./	Барқарор
	01.10.2022 й кунидаги маълумотлар	
20	Жорий активлар /минг. сўм/	538 832 732
21	Асосий маблағлар /минг. сўм/	53 723 036
22	Кредиторлик қарздорлик. жами /минг. сўм/, жумладан тўлов муддати 90 кундан 190 кунгача ; 180 кунгача ўтказиб юборилган ;	23 447 647
23	Дебиторлик қарздорлик. жами /минг. сўм/ жумладан тўлов муддати 90 кундан 190 кунгача ва 180 кунгача ўтказиб юборилган	65 775 106
24	2022 йил 9 ой якуни бўйича соф фойда /минг. сўм/	24 118 406

“Тошкентдонмаҳсолотлари” АЖ устав капиталининг умумий ҳажми 2 957 222,1 минг сўмни ташкил этади.

“Тошкентдонмаҳсолотлари” АЖустав капиталидаги улушнинг ўзгариши:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31майдаги ПҚ-90-сон “Ўзданмаҳсолот” акциядорлик жамияти таркибига кирувчи корхоналарнинг устав капиталини ўзгартириш тўғрисида”ти қарорига мувофиқ, “Тошкентдонмаҳсолотлари” акциядорлик жамиятининг устав капиталидаги давлат улуши 26,0 фоиздан 51,0 фоизга оширилди. Давлат мулк қўмитаси хузуридаги Мувофиқлаштириш маркази томонидан ПО263-5 сон билан рўйхатга олинган.

2019 йил 1 ноябр ҳолатига “Тошкентдонмаҳсолотлари” АЖнинг устав капиталидаги улушлари қўйидагича тақсимланган: “Ўзданмаҳсолот” АЖулуши -1506518,1 мингсўм – 51%, юридик ва жисмоний шахслар – 14507040 мингсўм 49%. 1 дона акциянинг номинал қиймати 300 сўм.

## **Жамиятнинг устав фонди ва акциядорлар тузилмаси**

<b>№</b>	<b>Акциядорлар</b>	<b>Акциялар сони (дона)</b>	<b>Сумма(мин г сўм)</b>	<b>% УФ</b>
1	АК «Ўздонмаҳсулот»	5021727	1506518,1	50,94
2	Юридик ва жисмоний шахслар	4835680	1450704	49,06
	<b>Жами</b>	<b>9857407</b>	<b>2957222</b>	<b>100</b>

Корхона фаолияти қўйидагилар билан тартибга солинади: “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ Устави, таъсис шартномаси, тасдиқланган қарорлар, ички тартиб қоидалари ва бошқа хужжатлар, жамоа шартномаси, шунингдек, амалдаги қонун хужжатлари.

### ***1.2. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот***

Акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари акциядорларнинг умумий мажлиси, кузатув кенгаши ва жамият бошқаруви.

Низомга кўра Жамият бошқарма тизимиға Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооператив алоқаларни кенгайтириш бўйича директор ва Маркетинг, сотиш ва молия бўйича директорлари лавозимини эгаллаб турган раҳбарлар киради.


Жамият бошқаруви раиси - Қосимов Бахром Хошимович

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооператив алоқаларни кенгайтириш бўйича директор - Мингбоев Зоирjon Абилович  
Маркетинг, сотиш ва молия бўйича директор – Хошимхонов Жалол Камолович  
Жамият бош ҳисобчиси - Пронина Ирина Викторовна

Акциядорлик жамиятини стратегик бошқаруви Жамиятнинг умумий мажлисида сайланган, 9 кишидан иборат Кузатув Кенгаши орқали амалга оширилади. Кузатув Кенгаши ваколатига йўналишни танлаш, уни амалга ошириш ва ўлчови, инвестициялар, даромадларни ошириш ва молиявий иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича қарорлар қабул қилиш киради.

# «Toshkentdonmahsulotlari»

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



*Мавжуд ишлаб чиқарии қувватларидан фойдаланиши ҳолати*

**Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси**

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2021 й.	%	2022й.	%
1.	Ун	Тонна	189500	124383,5	66%	117000	62%
2.	Омухта ем	тонна	99100	53246,41	54%	51200	52%
<b>ЖАМИ</b>							

*1.3. .Кадрлар сиёсати, иичи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ироия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя*

Ҳозирги кунда корхонада 461 нафар ишчи ходим фаолият кўрсатмоқда.

Ишлаётганларнинг 82% олий ва ўрта-махсус маълумотига эга. Корхонада тасдиқланган режа-жадвалга кўра барча мутахассислар малака ошириш курсларидан ўтишади.

**Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот**

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
<b>I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)</b>			
1.	Акциядор (иштирокчи, мулкдор)		Акциядорлар: <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Йирик акциядорлар – 50,94% (5021727дона акция)</li> <li>▪ Юридик шахслар – 19,12% (1873565дона акция)</li> <li>▪ Жисмоний шахслар – 29,62% (2962115дона акция)</li> </ul>
<b>II. Кузатув кенгаши аъзолари</b>			
2.	Донаев Шероли Бурхонович	"Ўздонмаҳсулот" АК Дон ресурслари ва уларни ташибни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, кузатув кенгаши раиси.(2021 йилдан)	-
3.	Қаршибоев Яхшибоевич Гафуржон	"Ўздонмаҳсулот" АК акциядорлар билан ва корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи	

4.	Примов Каримович	Комилjon АБКМБ бош мутахассиси	“Ўздонмаксулот” АК
5.	Вахитова Габдулфаязовна	Анжела	“Ўздонмаксулот” АК Молия ва бухгалтерия хисоби бошқармаси етакчи иқтисодчи
6.	Мирзоалиев Элер угли	Сафар	“Ўздонмаксулот” АК Стратегик режалиштириш бўлими бошлиғи
7.	Хўжабеков Жуманович	Шавкат	«Ўздонмаксулот» АК Инвестиция, инновация ва янги технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи
8.	Рахматов Норкобулович.	Боходир	“Ўздонмаксулот” АК Раис ёрдамчиси
9.	Юлдашбаев Артыкович	Сабиржан	“SINRIS GLOBAL PARTNERS” МЧЖ - Директор
10.	Ниязов Бурханович	Шавкат	“LAW DEMOS FUTURE SHAVKAT” Адвокатлик Фирмаси - Директор

### III. Ижроия органи

11.	Қосимов Хошимович	Бахром	Бошқарув раиси (2022 йилдан)	-
12.	Мингбоев Абилович	Зоиржон	Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директори.(2022 йилдан)	-
13.	Хошимхонов Жалол Камолович		Маркетинг, сотиш ва молия бўйича директор (2022 йилдан)	-
14.	Пронина Викторовна	Ирина	Бош хисобчи (2019 йилдан)	
15.				

**Тоифалар бўйича ходимларнинг ўртача йиллик сони(киши) жадвалда кўрсатилган**

<b>Гурӯҳлар</b>	<b>2020 й.</b>	<b>2021 й.</b>	<b>2022 й. (кутилган)</b>	<b>2023 й. (прогноз)</b>
1.Маъмурӣ – бошқарув ходимлари (АУП)	22	22	22	22
2.Техник ходимлар	34	30	30	30
3. Хизмат кўрсатувчи ходимлар	70	65	65	65
4. Асосий ишлаб чиқариш ходимлари	312	222	222	222
5. Асосий ишлаб чиқариш ходимлари мутахассислар	121	119	122	122
<b>Жами:</b>	<b>559</b>	<b>455</b>	<b>461</b>	<b>461</b>

**Ходимларнинг тоифалари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи(сўм)**

	<b>2020 й.</b>	<b>2021 й.</b>	<b>2022 й. (кутилган)</b>	<b>2023 йил прогноз</b>
1.Маъмурӣ – бошқарув ходимлари (АУП)	3016837	4223571	6274676	7529611
2.Техник ходимлар	2254357	3156099	4215600	5058720
3. Хизмат кўрсатувчи ходимлар	1734601	2428441	3706864	4448237
4. Асосий ишлаб чиқариш ходимлари ишчилар	1656682	2319355	3382784	4059341
5. Асосий ишлаб чиқариш ходимлари -мутахассислар	2628871	3680420	5126792	6152151

**1.4 . Корхонада жорий этилган сифатни бошқарии тизими**

**Жамият ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг барча тури бўйича мувофиқлик сертификатига эга.**

2021 йил 29 ноябрда UZ.SMT.01.0044.71548063 сонли мувофиқлик сертификатига асосан олий навли буғдой уни, кепаги оммавий равишда ишлаб чиқарилади. Ушбу сертификат 2022 йил 29 ноябргача яроқли бўлиб, бу ҳужжат «Donmahsulotlari ilmiy

ishlab chiqarish markazi» МЧЖ томонидан берилган ва давлат стандартига мувофиқлигини билдиради.

2021 йил 25 ноябрдаги ГОСТ 7169-66.26574 O'Zdst 1313 мувофиқлик сертификатига асосан витамин ва минераллар билан бойитилган биринчи навли буғдой уни оммавий равишда ишлаб чиқарилади. Ушбу сертификат 2024 йил 24 майгача яроқли бўлиб, бу хужжат Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан берилган ва давлат стандартига мувофиқлигини билдиради.

## 2. Корхонани ислоҳ қилиш

**2023 йил учун жамият томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, модернизация қилиш, технологик қайта жихозлаш бўйича бажарилидиган ишлар режаси.**

- “Тошкентдон” филиали Тегирмон №1 жорий таъмирлашга умумий қиймати 350 млн.сўм бўлган маблағ ажратиш.
- “Тошкентдон” филиали Тегирмон- 2 капитал таъмирлаш модернизация қилиш учун умумий қиймати 1000 млн.сўм маблағ ажратиш.
- Элеваторларда аспирация тизимини моденизация қилишга умумий қиймати 220 млн.сўм маблағ ажратиш.
- Бош корхона Омухта ем Комплексини капитал таъмирлаш учун умумий қиймати 11200 млн.сўм маблағ ажратиш.

**Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган Бизнес режасида** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги “Фалла етишириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-10-сон ҳамда 2022 йил 18 марта ги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ - 168-сон қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан хусусийлаштиришни ташкил этиш масалалари тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги “Фалла етишириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-10-сон ҳамда 2022 йил 18 марта ги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сон қарорлари ва жорий йил 11 майдаги видео селектор йиғилиши 40 сон баёни топшириклар ижросини таъминлаш мақсадида, жамият акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилди.

Умумий йиғилиш қарорига асосан, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ да “Ўздонмаҳсулот” АКнинг акциялар пакетини оммавий савдоларга чиқарилишини ташкил этиш бўйича “Лойиҳа офиси”ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозимини ташкил этишни назарда тутувчи жамият ташкилий тузилмасини ўз ичига олган жамият янги таҳрирдаги Устави тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги ‘Фалла етишириш ва сотища эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида’ги ПҚ-10-сон ҳамда 2022 йил 18 мартағи ‘Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида’ги ПҚ-168-сон қарорларига асосан “Ўздонмаҳсулот” АК таркибидаги дон корхоналарини босқичма - босқич хусусийлаштириш белгиланган.

Давлат мулкини сотища тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг 2022 йил 30 июндаги 38-сон (30.06.2022й. 01-02/1-620-сон) баёни:

- 5-бандига мувофиқ “Ўздонмаҳсулот” АК таркибидаги дон корхоналарининг алоҳида шаҳобчалари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи алоҳида мулкий мажмуаларни тегишли бошқарув органлари қарорига асосан, мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолангандаги бошланғич нарх билан “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали аукцион савдоларига чиқарилиши мумкинлиги;

- 1-иловасида 2022 йилда “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидағи 20 та дон корхоналари хусусийлаштирилиши ва уларнинг филиаллари алоҳида савдоларга чиқарилиши мумкинлиги;

- “Ўздонмаҳсулот” АК таркибидаги дон корхоналарини хусусийлаштириш бўйича “Йўл харитаси”нинг мазкур баённинг 2-иловаси 3-бандига мувофиқ дон корхоналари балансидаги нон цехлари ва савдо дўйконлари савдога чиқарилиши белгиланган.

Шунингдек, Жамият кузатув кенгаши раиси мажлис иштирокчиларини “Ўздонмаҳсулот” АКнинг 26.08.2022 йилдаги 17-3/109-1072 -сон хатида Давлат мулкини сотища тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида тизим корхоналарига тегишли алоҳида мулкий мажмуалар хатловдан ўтказилганлиги ва хатлов натижалари юзасидан дон корхоналарнинг нон - макарон цехлари, ДҚҚШ ва филиаллари, уруғлик цехлари ҳамда носоҳавий ва самарасиз обьектлари рўйхатлари шакллантирилганлиги маълум қилинган.

Шунингдек, “Ўздонмаҳсулот” АКси мазкур хатининг:

1-иловага мувофиқ 2022 йилда хусусийлаштирилиши белгиланган 20 та дон корхоналарининг худудидан ташқарида алоҳида жойлашган нон цехлари ва савдо дўйконларини (тегишли МЧЖлардаги улушларини) мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолангандаги бошланғич нарх билан “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали аукцион савдоларга чиқариш;

2-иловага мувофиқ 2022 йилда хусусийлаштирилиши белгиланган 20 та дон корхоналарининг носоҳавий ва самарасиз фойдаланилаётган обьектларини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолангандаги бошланғич нарх билан “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали аукцион савдоларга чиқариш;

жамиятлар Кузатув кенгашлари томонидан 2022 йилда хусусийлаштирилиши белгиланган 20 та дон корхоналари давлат улуши, филиаллари, алоҳида мулкий мажмуалар (нон цехлари носоҳавий ва самарасиз фойдаланилаётган обьектлар) ва бино-иншотларни баҳоланишини ташкил қилиш;

баҳоланган дон корхоналари активларини жамиятнинг тегишли бошқарув органи қарори билан Давлат тендер комиссиясининг 2021 йил 29 мартағи 7-сон баёни билан тасдиқланган Тартибга асосан оммавий савдоларга чиқариш;

баҳоланган нон цехлари ҳамда носоҳавий ва самарасиз фойдаланилаётган обьектларни жамиятнинг тегишли бошқарув органи қарори билан “E-aukcion” электрон савдо платформаси орқали аукцион савдоларига чиқарилишини таъминлаш;

2022 йилда хусусийлаштирилиши белгиланган 20 та дон корхоналари алоҳида мулкий мажмуалар (нон цехлари ҳамда носоҳавий ва самарасиз фойдаланилаётган обьектларни) ва бино-иншотларни баҳолатиш ва савдоларга чиқарилиши жараёнларини амалга оширилиши бўйича назоратни тегишли бошқарув қарорлари билан жамият раисининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринbosари зиммасига юкланиши белгилаш;

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 75-моддасига асосан жамият мол-мulkининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига кириши белгиланган.

Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 29 августдаги йиғилиш қарорига асосан:

Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг 2022 йил 30 июндаги 38-сон (30.06.2022й. 01-02/1-620-сон) баёни ва “Ўзданмаҳсолот” АКнинг 26.08.2022 йилдаги 17-3/109-1072 -сон хати ижро учун қабул қилинди;

### **3. Рақобат**

#### **Рақобатчи корхоналар.**

Маҳсулотларни сотишдаги асосий рақобатчилар яқин масофада жойлашган ун ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналардир.

Корхонада бозордаги улушкини кўпайтириш мақсадида товарни олға суришга катта сарф-харажат қилмасликка барча шароитлар мавжуд.

Рақобатдаги асосий устунликлар қуйидагилар:

- Тайёр маҳсулотни тақсимлаш ва ташиш ҳаражатларининг пастлиги ҳисобидан келиб чиққан арzon нарх, меҳнатга иш ҳақи тўловининг пастлиги;
- Маҳаллий ғалланинг кафолатли етказиб берилиши ва етказиб беришнинг товар кредити;
- Маҳсулот сотиши соҳасида яхши йўлга қўйилган хўжалик алоқалари (давлат буюртмаси, биржа савдо)
- Энг катта талабга эга бўлган навлар ассортиментидаги улушнинг ошиши;
- Ишлаб чиқариш маҳсулот таннархини пасайтириш захираларини излаш;

## **Жамиятнинг асосий таъминотчиларини қисқа таснифи:**

**«Оқолтиндон» АЖ** - корхона дон сотиб олиш фаолияти билан шуғулланади, элеваторлар, механизациялашган омборлар, қабул ва юклаш мосламаларига эга. Маҳсулотни тайёрлаш, буғдойни ғамлаш ва сақлашда оқилона фойдаланиш учун етарлик моддий - техника базасига эга. Шу билан биргаликда корхона республика аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларини юқори сифатли, юқори навли унлар, ёрмалар, омихта ем, нон, макарон ва кондитер маҳсулотлари билан таъминлайди.

**«Зарбдор Элеватор» АЖ** - корхонанинг асосий фаолиятларидан бири давлат эҳтиёжлари учун буғдой ва уруғларни сотиб олиш, жойлаштириш ва сақлашдир. Шу билан бирга корхона дон сотиб олиш фаолияти билан шуғулланади, элеваторлар, механизациялашган омборлар, қабул ва юклаш мосламаларига эга. Маҳсулотни тайёрлаш, буғдойни ғамлаш ва сақлашда оқилона фойдаланиш учун етарлик моддий - техника базасига эга.

**«Жиззах Дон Маҳсулот» АЖ** - корхона дон сотиб олиш фаолияти билан шуғулланади, элеваторлар, механизациялашган омборлар, қабул ва юклаш мосламаларига эга. Маҳсулотни тайёрлаш, буғдойни ғамлаш ва сақлашда оқилона фойдаланиш учун етарли моддий - техника базасига эга. Шу билан биргаликда корхона республика аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларини юқори сифатли, юқори навли унлар, ёрмалар, омихта ем, нон, макарон ва кондитер маҳсулотлари билан таъминлайди.

**АО «Ховосдон»** - корхона дон сотиб олиш фаолияти билан шуғулланади, элеваторлар, механизациялашган омборлар, қабул ва юклаш мосламаларига эга. Маҳсулотни тайёрлаш, буғдойни ғамлаш ва сақлашда оқилона фойдаланиш учун етарли моддий - техника базасига эга. Шу билан биргаликда корхона республика аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларини юқори сифатли, юқори навли унлар, ёрмалар, омихта ем, нон, макарон ва кондитер маҳсулотлари билан таъминлайди.

## **4.Кўрсаткичлар**

### **4.1.Хом-ашё захираси**

#### **Истеъмол қилинадиган хом ашёning хусусиятлари ва таъминотчилар таснифи**

Унни ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом - ашё ишлатилади. Таъминотчилар Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналари (дехқон-фермер хўжаликлари) хисобланади.

Маҳаллий буғдойдан 100 % фойдаланиш республикани дон мустақиллиги стратегик вазифасига жавоб беради. Бозорнинг ушбу хом - ашё секторида корхона таъминотчилар билан шартномалар тузади ва мустақил равишда улар билан товарларни кредитлаш йўли билан ҳисоб - китоб қиласиди.

Омихта ем хом-ашёсининг танқислиги туфайли асосан аралашма озуқа ишлаб чиқарилади. Омихта ем - аралашма озуқа таркибига: донли хом – ашё (тариқ, бўғдой, жўхори, маккажўхори, жавдар, арпа), минерал хом ашё (кальций фосфати, оҳактош уни), оқсил маҳсулотлари (пахта ва соя кунжараси, ҳайвон, балиқ уни, озуқа хамиртуриши), витаминли қўшимчалар (ўт -ўланли, премикслар). Барча озуқа аралашмалари таркиби кирувчи компонентлар ГОСТ ва техник шартлар билан тартибга солинган.

Маҳаллий хом - ашё таъминоти фирма -таъминотчилар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

